

ҲАР ИККИ КИШИДАН БИРИ ҲАМ

ПАРТИЯ
ТУРМУШИ

Заводнинг коллективни коммунист-
тик меҳнат қорони номини олиш
учун мусобақага қўшилганда олган
меҳнатнинг моддаларидан бири-
да бундай деб ёзилган эди: «Қор-
хонада ишлаётган ҳар икки киши-
дан бири ўқини керак».

Қорхона ишчилари, инженер-тех-
ник ходимлари ва хизматчиларидан
ҳаммаси бўлиб ҳозир мингдан ор-
тиқ киши турли олий ўқув юр-
тлари, техникумлар, кечки мактаб ва курс-
ларда ўқимокда. Лекин кўпчилик
ўқини ўқининг асосий тури сиёсий
ўқини ҳисобланади.

Бу ўқув йилида партия ва ком-
сомол маорифи шохчаларида КПСС
тарихи, кундалик сиёсат ва соци-
алистик саноат экономикасини ўрганиш
бўйича 17 тўғарак ҳамда уч
сиёсий мактабда коммунист ҳамда
комсомоллардан ташқари 300 дан
ортиқ партияси активлар ҳам қат-
нашди.

Тўғаракларга асосан етарли наза-
рий тайёргарлик ва тажрибага эга
бўлган пропагандистлар — завод-
нинг бош механиги Л. Левин,
капитал қурилиш бўлимининг бош-
лиги С. Куперман, механика-йиғув
цехининг бошлиги Ю. Сидоренко,
қувоҳ цехининг экономисти С. Сила-
ков, завод план бўлимининг бош-
лиги С. Райтер ўртоқлар сингари ком-
мунистлар раҳбарлик қилдилар.
Улар ўтказган ҳар бир машғулот
савиясининг юксаклиги ва методик
мукамаллиги билан алоҳида ажра-
либ туради. Тема материали респу-
блика, область, шаҳар ва қорхона
ҳаётидан олинган конкрет мисол-
лар билан бойитилган ҳолда баён
этилади.

Энг муҳими шундаки, тингловчи-
лар сиёсий ўқинида олган назарий
билимларидан ишлаб чиқаришдаги

амалий фаолиятларида муваффақият
билан фойдаланмоқдалар.
Ўртоқ Сидоренко пропагандистлик
қилаётган саноат экономикасини
ўрганиш тўғрисида асосан 1-меха-
ника-йиғув цехининг ходимлари
ўқиди. Пропагандист тингловчилар-
нинг назарини амалиётга босиб
ўрганиш йўлида қилган меҳнат-
лари яхши натижа берапти. Цех
коллективи 1961 йилнинг беш ой-
лик планини муваффақият билан
қўллаганини асосан тингловчилардан
тоқарлар А. Снегирев, А. Додри-
ев ва В. Никитин ўртоқларга
коммунист меҳнат зарбдорлари
деган юксак ном берилди.

Завод партия комитети сиёсий
маорифни такомиллаштириш, ўқини-
нинг андан-янги формаларини қи-
яптириш тўғрисида ишлайди.

Заводда дастлаб ташкил қилин-
ган ва 1960—1961 ўқув йилида
сон 9 тага етган конкрет экономи-
кани ўрганиш тўғрисидаги иш таж-
рибаси Чирчик шаҳар партия коми-
тети томонидан қўллаб-қувватланди
ва бошқа бошланғич партия ташки-
лотларида ёйилди. Уларга бизда тай-
ёрланган каби кўргазмалар қўроллар
қўйилган тавсия этилди.

Конкрет экономикани ўрганиш
тўғрисидаги актив қатнашиб ўз иқ-
тисодий билимининг оширган А. Агу-
ревич, Ю. Сидоренко, М. Шило ўр-
тоқлар каби цех бошқаларининг
ҳозирги ишга қилинган ҳаваси
келади. Улар планлаштиришни,
маҳсулотнинг таннархи нисмалардан
ташкил топиши ва уни арзонлаш-
тириш йўллари, меҳнат унумдор-
лигини ошириш, қорхона ва цехни
рентабель ишлайдиган қилиш омили-
ларини, ишлаб чиқариладиган мах-
сулотни ҳисобга олиш ҳамда бу
ҳақда ҳисоб беришни тўғри йўлга
қўйдилар.

Ўшман партия маорифи шохча-
чаларидаги ўқининг, хусусан бу
соҳада ҳал қилувчи роль ўйна-
шиш пропагандистлар ишининг му-
ваффақияти кўп жиҳатдан партия
маорифи кабинетларининг фаоли-
тига боғлиқдир. Завод партия маори-
фи кабинети буни ҳисобга олиб,
пропагандистларга муттасил ра-
вишда малакали методик ёрдам бе-
риб бори.

Бироқ, завод партия комитети-
нинг сиёсий ўқини ташкил этиш
ва унга раҳбарлик қилиш соҳасида-
ги фаолияти айрим камчиликлардан
ҳам ҳоли эмас. Бошланғич партия
ташкилотлари бевосита цехларда,
бўлимларда конкрет экономикани
ўрганиш ва сиёсий ўқининг бош-
қа формалари бўйича тўғараклар
ташкил этганларида айнан битта тў-
ғаракка жалб қилинган тингловчи-
ларнинг умумий билим даражаси
бир хил бўлиши ёки кам фарқ қи-
лиши лозимлигини эътиборга олма-
дилар. Айрим тўғаракларда 5—7-
синф ҳажмида маълумоти бўлган
кишилар билан бирга ўрта техника
маълумотлилар ҳам ўқинди. Бундай
схвол пропагандистини ҳам, тинглов-
чиларини ҳам қийнади.

Бундан ташқари, йил давомида
кадрларнинг ўқини устидан кон-
трольлик сусайтириб юборилганлиги
сабабли якуловчи машғулотларга
қатнашганлар сон йил бошидагидан
камийиб қолди. Айрим тўғаракларда
машғулотлар паст савияда олиб бо-
риди.

Биз, партия маорифи шохчалари-
да янги ўқув йилига тайёргарлик
қўришда йўл қўйилган бу камчилик-
лардан тўғри ҳулоса чиқариб оли-
шимиз керак.

Ф. АВТОНОМОВА,

«Ўзбекхимваш» заводи партия
маорифи кабинетининг мудири.

КПСС XXII съезди ва УЗКОМПАРТИЯ XVI съезди ШАРАФИГА



Тошкентдаги «Подземник» за-
водида тайёрланаётган кўтарма
механизмлар тежасизда чет эл
малакатларининг қўрилиш ва
саноат қорхоналарида талаб
қилинади. Суратда: слесарь С. Тў-
рабеков (ўрта) ва ОТК мастери
А. Акулов ўртоқлар кўтарма
механизмлар тежасининг бир
группасини навабатида экспорт
учун ҳозирламоқдалар.
В. Сироткин ва И. Глауберзон
фотоси.

Янги линия тайёр

Эмални идишларга жойлаш-
тириш процесси илгари қўла
кучи билан бажариладиган бўл-
са, бу вазифани амалга ошириш
учун кўп ишчи банд бўларди.
Олтинтопан кўрғош и-н-р-у-х
комбинатида қарашли марка-
рий ремонт-механика заводи-
нинг илгари цехида бу процессни
механизациялаштириш имкони-
ни берувчи янги автоматик по-
ток линия тайёрланди.

Цех мастери ўртоқ Д. Бая-
кин бошчилигида тажрибали
слесарлардан Ф. Бетев, И. Ким,
Н. Руденко, тоқар К. Арсло-
нов, фрезерчи А. Пенков ва
бошқаларини самарали меҳна-
ти тўғрисида яратилган бу янги
поток линия тез қўлларда Тош-
кентдаги лак-бўёқ заводида
жойлаштирилди.

Э. МЕЛИКСЕТОВ.

Жамоатчилар сафи кенгаймоқда

Электрқимё комбинатининг ме-
ханизатор коллективи коммунист
меҳнат қорони номини олиш учун
бошлаган курашида янгидан-янги
муваффақиятларини қўлга кирит-
моқда. Ишчилар ва мутахассисларнинг
ташаббуси билан ташкил этилган
жамоат конструкторлик бюроси бу
курашга муносиб ҳисса қўяпти.
Бюро бир неча ойдан бери ишлаб,
давлат маблағларини тежаб қилиш-
га қаратилган тақлифларни ўрта-
га ташламоқда.

Пил охиригача кам билан 200
минг сўмлик маблағи тежаб қо-
лишга аҳд қилган бюро аъзолари
бир қанча рационализаторлик тақ-
лифлари билан чиқибди. Газогене-
ратор цехининг жамоатчи ихтирочи-
лар бригадаси аъзолари пневматик
транспортни такомиллаштирди. 1-
цехнинг Форбер, Муравьева, Чер-
них, Наумова ўртоқлардан иборат
жамоатчи конструкторлар маҳсулот
ишлаб чиқаришда ҳисил бўладиган
ортиқча моддаларни сиқиб чиқариш
схемасини яратмоқдалар.

П. ВЛАДИМИРОВ,

Чирчик шаҳри.

ЧЕВАР

ЕТТИ ИЛЛИК
ИЛГӨРЛАРИ

Тўшқи дам олиш пайти эди.
Овқатланиб бўлган қиз-жувонлар
гулзор олдида тўпланишган. Бу
қувноқ чехралар ўзаро аллани-
мани зўр бериб баҳслашарди.

— Отасига раҳмат, бу гал ҳам
қотирибди,— дерди улардан бири.

— Ўзи ҳам бу дейман маши-
на бўлиб кетади-да,— дерди ик-
кинчиси.

— Оббо, намуна кўкка кў-
тармасаларинг, мен ўша билан
беллашганим бўлсин,— дерди
учинчиси ҳазиллашиб.

Шу ерда ҳозир бўлганларнинг ме-
ҳаммаси касбдошларининг меҳ-
натда қўлга киритган навабта-
ги ютуғидан ниҳоятда хурсанд
эди.

Ўрта бўйли, қорачадан келган
қиз шу ўртадан ўтиб кетатуйи
йигилганларга эътибор бериб
қолди. Нима гап экан, деб қи-
зқисинди. Яқинлашган эди, қиз
ҳозиргина ёпиштирилган «Мо-
ния»га тўшди. Унда қўйидаги
сўзлар ёзилган эди:

«7-тикув цехининг чевар иш-
чиси Назирахон Юсупова съезд-
олди меҳнат вахтасида туриб,
кеча смена топиригини 130
процентга етказиб бажарди. Му-
собақа илгори Назирахонга тенг-
лаштирилди!».

Назира катта ҳарфлар билан
ёзилган ўз исми ва фамилиясини
кўпчилик ўртасида ўқиганидан
амал қилар, унинг йўл-йўриқла-
рини астойдил бажо келтирарди.
Ўз касбин жондан сенип, қи-
лаётган ишга меҳр қўйиш тез
ўртада Назирага коллектив ўрта-
сида катта обрў келтирди. Нази-
ра смена топириқларини оши-
рибгина бажармай, балки иш си-
лавом еттирди. Ҳозиргина бўлиб
ўтган гаплардан ниҳоятда таъ-
сирланган Назира юрагидан алла-
қандай ёқимли тугулар билан
яна ишга шўғул кетди.

Бир текисда саф тортган ти-
кув машиналарининг мотори бир
зум ҳам тинмайди. Ҳамма ўз иши
билан банд. Лекин Назиранинг
ҳаракати улар ўртасида ажралиб
турибди.

— Нима ҳам дердим, бошқа-
лар қатори ишлапман, ваъда-
нинг устидан чиқиб учун ҳара-
кат қиламан.

Ўз ишлари, муваффақиятла-
рининг ёспирлари ҳақида сўзлаб

Н. ОМОНОВА.

Шахтёрлар меҳнат вахтасида

Оҳангарон шахтёрлари партия
XXII съезди шарафига ўзаро соци-
алистик мусобақани ҳар томонлама
қийинлаштириб, меҳнат вахтасида туриб
ишлаётдилар. «Ўзбекуголь» комби-
нати 5 ойлик плани муддатидан
бир ҳафта илгари бажарди, ой охи-
ригача планга қўшимча равишда
бир неча эшелон кўмир жўнатди.

9-шахтанинг коммунист Жўра
Бойманов бошлиқ кўмир қазауви-
лар бригадаси айнақса юқори кўр-

саткиларга еришмоқда. Илгори иш-
чилардан А. Гареев, М. Уришев,
Қ. Абдуллаев, А. Жамагамаев, Г.
Култемиров каби ўртоқлар ҳар сме-
нада нормадан ташқари 3 тоннадан
кўмир қазинишга муваффақ бўлмоқда-
лар. Шунингдек, Г. Мингайев, Г.
Низомидинов, Л. Загорский, Ли
Дук Сон ва М. Кишисевлар бошлиқ
бригадалар ҳам смена топириқла-
рини ортиги билан адо этишпти.

Ф. ПЕТРОВ.

УЧ КАСБНИ ЭГАЛЛАШГАН

Оҳангарон цемент за-
води қурилишида иш-
лаётган Леонид Арши-
нов бошчилигидаги
комплес бригадаси
аъзолари бинокорлар
орасида кенг шўҳрат
қозонган. Кимдан сў-
раманг, бу бригада
ҳақида идиқ сўзларни
эшитсанг.

Бригада аъзолари
иззат-қиромга ўзлари-
нинг ҳалол ва унумли
меҳнатлари, сифатли
ишлашлари билан са-
зоров бўлишган.

Комплес бригада
ларининг доимо юксак
бўлишига олиб кел-
моқда. Яқинда қувончли
воқеа юз берди. Бригада-
да коммунист меҳнат
бригадаси номи берил-
ди. Бу эса бинокорлар
иш меҳнатда янги му-
ваффақиятларга руҳ-
лантириб юборди. Улар
шу йил давомида бир
прим виллик топиш-
риқини баёнлашга аҳд
адо этишяпти. Бу,
қилинши.

С. ҲАЙИТҚУЛОВ.



Чирчик шаҳридаги
«Ўзбекхимваш» заводи
табиғий газ сову-
тувчи агрегатлар
ишлаб чиқа-
риши ўзлаштирди.

Суратда: газ сову-
тувчининг монтаж
қилиниш пайти.
Р. Шахмудинов
фотоси. (ЎЗТАГ фотохроникаси).

